НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ВА ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

АЛИҚУЛОВ ШУҲРАТ ШАРОФОВИЧ

СУСТ ЎТКАЗУВЧИ УРАН РУДАЛАРИНИ ЕР ОСТИДА ТАНЛАБ ЭРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖАДАЛЛАШТИРИШ

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва курилиш)

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Навоий – 2019

УДК: 622.349:622.755:622.275

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Алиқулов Шухрат Шарофович
Суст ўтказувчи уран рудаларини ер остида танлаб эритиш технологиясини ишлаб чиқиш ва жадаллаштириш 3

Аликулов Шухрат Шарофович
Разработка технологии и интенсификация параметров подземного выщелачивания урана из слабопроницаемых руд……..... 27

Alikulov Shuxrat Sharofovich
Development of technology and intensification of parameters of underground leaching of uranium from low-permeable ores……..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….. 57

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ВА ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

АЛИҚУЛОВ ШУҲРАТ ШАРОФОВИЧ

СУСТ ЎТКАЗУВЧИ УРАН РУДАЛАРИНИ ЕР ОСТИДА ТАНЛАБ ЭРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖАДАЛЛАШТИРИШ

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва курилиш)

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Навоий – 2019

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/T183. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Санақулов Қувондиқ** техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими
Расмий оппонентлар:	**Дуйсебаев Бауржан Оразович** техника фанлари доктори, профессор
	Тошов Жавохир Буриевич техника фанлари доктори, доцент
	Эргашев Улуғбек Абдурасулович техника фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**«Минерал ресурслар институти» ДК**

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «____»_____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй, Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2019 йил «____»_____ куни тарқатилди.
(2019 йил «____»_____ даги___ рақамли реестр баённомаси)

Б.Р.Раимжанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси в.в.б., т.ф.д., профессор

Ш.Ш.Заиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Ю.Д.Норов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фойдали қазилмаларни ер остида танлаб эритмага ўтказиш усули анаънавий кончилик усулидан фарқли ўлароқ бир қатор афвзаликларга эга. Уранни ер остида танлаб эртмага ўтказиш усули охирги 10 йил ичида 5% дан 34% гача ошди. Ер остида танлаб эритмага ўтказиш усули кончилик корхоналарини қурилишида капитал маблағларни 2-4 маротабагача камайтириш, рудникларни қурилиш муддатини қисқартириш, якуний маҳсулотларнинг меҳнат унумдорлигини 2-4 мартагача ошириш ва бунга мувофиқ ишчилар сонини камайтириш имкониятини беради. Уранга бўлган эҳтиёжнинг жадал суръатда ошиб бориши ноанъанавий технологияларни ишлаб чиқиш бўйича шу соҳа олимлари олдига янгидан-янги вазифаларни қўяди. Бунга ўхшаш вазифа суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданларини қазиб олишдир. Шунинг учун суст ўтказувчан ва сувга кам тўйинган уран маъданларини янги технологиялар бўйича қазиб олиш ҳозирги кунда долзарб илмий-техник муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда уранни ер остида танлаб эртмага ўтказиш усули чуқур жойлашган уран маъданларини қазиб олиш жараёнлари йилдан йилга мураккаблашиб бормоқда ва суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган маъданларни ер остида танлаб эритмага ўтказиш усулида қазиб олиш муаммо туғдирмоқда. Бундай муаммоларни ечимларидан бири гидродинамик режимни бошқарган ҳолда сувга кам тўйинган ва суст ўтказувчан уран маъданларини қазиб олиш, қатламни ўтказувчанлигини ошириш учун юқори-фаолаштирувчи моддаларни қўллашдан иборатдир. Суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран конлари захираларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш усули қазиб олиш махсулдор эритманинг таркибида металлнинг концентрациясини оширади, сульфат кислотанинг солиштирма сарфи камаяди, ер остида танлаб эритмага ўтказиш вақти қисқаради, минерал хом-ашё базаси ортади.

Республикада кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналарини ривожлантириш, модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, уранни қазишда ер остида танлаб эритмага ўтказиш усулларини амалга ошириш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида «кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналари рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида инвестицияларни жалб этишга қўшимча шароитлар яратиш»[1] каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, уранни ер остида танлаб эртимага ўтказишнинг унумдорлигини ошириш, суст ўтказувчи уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш, ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёни ва турли хил қазиб олиш тизимларини бошқариш, сувга кам тўйинган уран

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4124 «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори

маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш, уран маъданлари захираларини сувли қатлами босими паст жойларда қазиб олиш технологиясини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республиканинг илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Сувга кам тўйинган ва суст ўтказувчи уран маъданларини қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Nevada (АҚШ), Institute of Condensed Matter Chemistry (Франция), Антверпен университети (RUCA, Бельгия), Seoul Nation University of Science and technology (Жанубий Корея), University of Utah (АҚШ), Nuclear Physics Institute (ХХДР), University of Cape Town (ЖАР), University of the Witwatersrand (ЖАР), Россия давлат геология қидирув университети (Россия Федерацияси), Байкал орти давлат университети (Россия Федерацияси), Қозоғистон миллий техника университети (Қозоғистон), Миллий тадқиқот технология университетининг «Москва пўлат ва қотишмалар университети» (Россия Федерацияси), Навоий кон-металлургия комбинатининг марказий илмий-тадқиқот лабораторияси ва Навоий давлат кончилик институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда уран рудаларини ер остида танлаб эритиш технологиясини ишлаб чиқиш ва жадаллаштириш, суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданлари қазиб олишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: суст ўтказувчи уран маъданларини қазиб олиш усулининг технологияси яратилган (University of Utah, Россия давлат геология қидирув университети); суст ўтказувчи уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнини физик йўли билан жадаллаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Nuclear Physics Institute); икки қатламли конларнинг қазиб олиш усулининг технологияси ишлаб чиқилган (University of Nevada, University of the Witwatersrand); турли хил

[2] Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.atlasrockbit.com, http://www.varelintl.com, www.dissercat.com, http://vbm.ru, https://www.amazon.com, http://www.mirknigi.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

қазиб олиш тизимларини бошқариш моделлари ишлаб чиқилган (Томск политехника университети); уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишда гидродинамик жараёнлари такомиллаштирилган (RUCA Антверпен университети ва Навоий давлат кончилик институти, Ўзбекистон).

Дунёда турли эритмалардан фойдаланиб юқори фаоллаштирувчи моддалар суст ўтказувчи уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: маъдан қатламида тоғ жинсини сув ўтказувчанлигини унумдорлигини ошириш; юқори фаоллаштирувчи моддани қўллаган ҳолда қисқа вақт оралиғида уран маъданини оксидлаш; юқори фаоллаштирувчи модда ва турли хил эритмалар орқали минералларни бирламчи суюқ ҳолатга ўтказиш; ер остида танлаб эритиш гидродинамик режимини бошқариш ва сувга кам тўйинган гидрогенн уран конларини қазиб олиш технологиясини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш усулида илм фан ва амалиётни ривожлантиришда Аренс В.Ж., Грабовников В.А., Гридин О.М., Истомин В.П., Калабин А.И., Лобанов Д.П., Лунев Л.И., Малухин Н.Г., Мамилов В.А., Маркелов С.В., Небера В.Н., Нестеров Ю.В., Новик-Качан В.П., Осмоловский И.С., Петухов О.Ф., Санакулов К.С., Толстов Е.А., Фазлуллин М.И., Хчеян Г.Х., Язиков В.Г., Alfoldi L., Anderson J.S., Matis K.A., Ritchie M.J., Salter J.D., Wyatt N.P., Yannopoulos J.C., Young Zaporozec C.P., Kundler A.P. ва бошқа олимлар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшганлар.

Ҳозирги кунга келиб ушбу соҳада суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказишни жадалаштириш илмий техника асосларнинг етишмаслиги фойдали компонентни ер тубидан чиқариб олиш механизмини бошқариш мауммолари мавжуд. Бу билан боғлиқ суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш технологиясини ишлаб чиқиш кон-металлургия соҳасида юқори илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг БА-А-13-015 «Уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишда маҳаллий эритмалардан фойдаланиб технологик режимни ишлаб чиқиш» (2017-2018 йй.), «Суст ўтказувчи гидрогенн уран рудаларининг қазиб олиш технологиясини яратиш» (2018 й.), «Сувга кам тўйинган гидрогенн уран конларини қазиб олиш технологиясини яратиш» (2018 й.) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ер остида танлаб эритмага ўтказишни жадаллаштириш, суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданларини қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

уранни ер остида танлаб эртимага ўтказишнинг унумдорлиги ошириш, хусусан суюқликнинг фильтрланиш ҳаракати, геотехнология уранда физик-кимёвий омилларни аниқлаш;

суст ўтказувчи уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш ва бошланғич фильтрланиш градиентини оқим жараёнига таъсирини тадқиқ қилиш;

уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишда фильтрланиш тезлиги ва глинали тоғ жинсларда ўтказувчанлик хусусиятини аниқлаш, юқори босим остида фильтрланиш режими градиентини аниқлаш;

ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёни ва турли хил қазиб олиш тизимларини бошқариш учун компьютер моделини ишлаб чиқиш ва кенгайтирилган блок-схемаси орқали математик моделлаштириш;

суст ўтказувчи уран маъданларини танлаб эритмага ўтказишда лаборатория шароитида геотехнологик кўрсаткичларни аниқлаш ва тадқиқ қилиш;

сувга кам тўйинган уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказишни гидродинамик параметрларини бошқаришни таҳлил қилишни асослаш;

уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишда гидродинамик жараёнларини стендли синовдан ўтказиш;

уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишда параметрларни такомиллаштириш ва ярим ишлаб чиқариш миқёсида янги технологияни жорий қилиш, бўшлиқ қаватдаги массивлар орқали суюқлик ҳаракатини бошқариш ва баҳолаш учун илмий ва услубий асосларни ишлаб чиқиш;

уран маъданлари захираларини сувли қатлами босими паст жойларда қазиб олиш технологиясини яратиш ва ярим ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Навоий кон-металлургия комбинатининг уран конлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сувга кам тўйинган ва суст ўтказувчи уран маъданларини қазиб олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида комплекс тадқиқот усулларидан, жумладан, суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказишнинг илмий, назарий ва амалий умумлаштириш, математик моделлаштириш усуллари, уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишнинг замонавий компьютер техникаси ёрдамида Borland Delphi 7.0 тилида компьютер дастурлаш, математик статистика усуллари ва корреляция таҳлиллари, стендли ва лаборатория тадқиқотлари, бундан ташқари эксперимент саноат тажрибаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суст ўтказувчи уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказишда эритманинг ҳаракатланиш тезлиги ва коэффициент фильтрацияси

аниқланган, суюқликни қатламда ҳаракат қонунияти асосида фильтрланиш тезлиги формуласи ишлаб чиқилган;

эритманинг қатламдаги фильтрланиш тезлиги юборувчи қудуқнинг унумдорлигига боғлиқлиги, фильтрланиш коэффициенти маъдан қатламини қалинлиги ва тоғ жинсининг бўшлиғи унинг қаттиқлик даражаси бўйича жойлашишига боғлиқлиги аниқланган;

суст ўтказувчи уран маъданларини эритиб олиш учун фильтрланиш математик модели ҳамда ер остида танлаб эритмага ўтказиш ва фильтрланиш жараёнини ўзгариши асосида муҳандислик ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

суст ўтказувчи уран маъданларини танлаб эритмага ўтказишда фильтрланиш коэффициентини ошириш учун юқори фаоллаштирувчи модда сульфанол танланган, эритиш учун унинг концентрацияси ва литологик қисмларда глинали тоғ жинсларининг бўшлиқларида эритмаларнинг сингиш тезлиги аниқланган;

суст ўтказувчи уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказишда намлик бурчагини аниқлаш услуби ишлаб чиқилган ва суст ўтказувчи маъданлардан уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишда фильтрланиш коэффициентига юқори фаоллаштирувчи модданинг оптимал таъсирини аниқлаш имкониятини берувчи проекцион усулда тоғ жинсларининг намланиш бурчаги аниқланган;

сувга кам тўйинган уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказишнинг суғориш технологиясини қўллаган ҳолда, депрессия воронкаси ҳосил қилиш натижасида назарий асоси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори фаоллаштирувчи модда қуллаганда ва депрессион воронкани ҳосил қилганда сувга кам тўйинган ва суст ўтказувчи уран конларини қазиб олиш илмий асослари яратилган;

математик моделлаштириш асосида кенгайтирилган блок-схема ишлаб чиқилди ва уранни ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнида фильтрланиш ва қазиб олиш даражасини бошқаришнинг компьютер модели ишлаб чиқилган;

ер остида танлаб эритмага ўтказиш учун сульфанол эритмасини оптимал концентрациясини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган, глинали суст ўтказувчи маъданларда ишчи эритмани чуқуроқ ва фильтрланиш тезлигини хамда фильтрланиш коэффициентини ошириш аниқланган;

ер остида танлаб эритиш тоғ жинсини фильтрланиш даражаси суғориш худуди, литологик қатлами, қатламнинг параметрлари стендли тажрибада аниқланган;

ер остида танлаб эритмага ўтказиш сульфанол эритмасини қўллаган ҳолда суст ўтказувчи уран маъданларини қазиб олишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган;

ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнини такомиллаштириш натижасида сувга кам тўйинган уран маъданларини қазиб олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Навоий кон-металлургия комбинати ер остида танлаб эритмага ўтказиш объектларида суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш усули, қазиб олиш жараёнини жадаллаштириш, лаборатория ва саноат миқёсидаги технологик ишланмалар ишлаб чиқилди, назарий тадқиқот саноат тажрибаларнинг катта ҳажми билан исботланган.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъдан конларини қазиб олишнинг илмий асоси ишлаб чиқилди ва назарий умумлаштириш хамда ер остида танлаб эритмага ўтказиш учун сульфанол эритмасини оптимал концентрациясини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ер остида танлаб эритиш тоғ жинсини фильтрланиш даражаси суғориш худуди, литологик қатлами, қатламнинг параметрларини аниқлаш хамда ер остида танлаб эритишнинг параметрларини комплекс тадқиқот усули ва суст ўтказувчи хамда сувга кам тўйинган уран маъданларини қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш параметрларини жадаллаштириш ва технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишқорловчи эритманинг ҳаракатланиш тезлиги ва коэффициент фильтрацияни аниқлаш формулалари ҳамда суст ўтказувчи уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш технологияси Навоий кон-металлургия комбинатининг 5-сон кон бошқармасида уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнида амалиётга жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2018 йил 18 сентябрдаги 02-06-04/11702-сон маълумотномаси). Натижада махсулдор бой эритма олиш, қазиб олиш жараёни 1,5 маротобага жадаллаштириш, қазиб олиш вақти 15%га қисқариш, ишлаб чиқариш коэффициенти 20%га ошириш, уранни бирламчи оксидлаш вақти 20%га қисқартириш, қазиб олиш таннархи 5%га камайтириш ва фойдаланиш рентабиллигига эришиш имконини берган;

сувга кам тўйинган уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш технологияси ва депрессия воронкасини ҳосил қилиш усули Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасида инфилтрланиш оқимини бойитиш жараёнида амалиётга жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2018 йил 18 сентябрдаги 02-06-04/11702-сон маълумотномаси). Натижада уранни ер остида танлаб эритиш технологиясини такомиллаштириш, эритмани тезлиги ва эритмани чуқуроқ киритиш имконини берган;

паст босимли Кендик-тюбе уран кони қатламларида уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш усули Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасида ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнида амалиётга жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2018 йил 18 сентябрдаги 02-06-04/11702-сон маълумотномаси). Натижада сувга кам тўйинган уран захираларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш ва қазиб олишнинг унумдорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 2 та республика ва 15 халқаро илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 8 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

«Физик кимёвий геотехнологиянинг ривожланишидаги асосий тенденциялар ва уран қазиб олишнинг замонавий ҳолат таҳлили» деб номланган биринчи бобда ер остида танлаб эритмага ўтказиш усулида Қизилқум ҳудудидаги уран маъданлари конларини қазиб олиш бўйича комплекс ёндашиш тадқиқоти олиб борилди.

Уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишда замонавий технологияларни қўллаш қазиб олиш технологияни такомиллаштиришга олиб келади, уларнинг самарадорлиги одатда конларнинг табиий шаротиларига боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири ноёбдир ва ўз хусусиятларига эга. Қатламда суюқликнинг ҳаракати қонуниятини ўрганиб чиқиш асосида суст ўтказувчи уран маъданларини эритиб олиш эритманинг фильтрланиш коэффициенти ва фильтрланиш тезлигини аниқлаш формуласи ишлаб чиқилди. Эритманинг фильтрланиш тезлиги юборувчи қудуқнинг эритмани қабул қилиш унумдорлигига ва фильтрланиш ғовакларнинг

кесишмасига боғлиқдир, фильтрланиш коэффициенти маъдан қатлами ва қаттиқ таркибий қисмларнинг заррача диаметрига боғлиқ.

Бозор иқтисодиётида фойдали қазилмаларни қазиб олиш технологиялари кон қазиб олишнинг иқтисодий асосларини аниқлашда асосий ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ушуб диссертацияда захираларни қазиб олиш учун технология яратишнинг асосий йўналиши ёритилган, шунингдек турли технологияларни синовдан ўтказишнинг бошланғич босқичида иқтисодий самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади.

Суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданлари узоқ йиллар давомида Навоий кон-металлургия комбинатида технологик балансдан ташқари ҳисобига киритилган, чунки тоғ жинсларни юқори эритма талаб қилувчи кольматация жараёни тезлашиб бориши сульфат кислота эритмаси билан суюқ ҳолатга ўтказиб олиш усули захираларнинг самарали қазиб олишга имкон бермади. Биз томонимиздан суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданларини қазиб олиш хусусияти ва худуднинг тавсифланиши бўйича тадқиқот олиб борилди. Суст ўтказувчи Кетменчи уран маъдан конининг 1-маъдан мажмуи 2-маъдан мажмуидан алохида жойлашган Кишор қатлами билан алоҳида ажралиб туради. Ғарбдан у катта Кетменчи ёриғи билан чегараланиб, жанубий қисмдан Кишор ёриғи билан ажралиб туради.

Маъдан кичик ётқизиқлари «тарқоқлиги» билан ажралиб туради. Биринчи маъдан мажмуида суст ўтказувчан уран маъданини ер остида танлаб эритмага ўтказиш тажриба синов ишлари олиб борилди.

Тадқиқот жараёнида мавжуд бўлган архив хужжатлари ва Шимолий кон бошқармасининг уран конларида паст босимли ёки қуруқ қатлами билан тавсифланадиган ётқизиқлар ўрганилди. Тадқиқотлар натижаси асосида ер остида танлаб эритмага ўтказишда уран ётқизиқларини қазиб олиш тизмилари учун назарий ечими таклиф этилди, хусусан фойдали комонентни ер тубидан тўлиғича чиқариб олишга хизмат қилади.

Диссертациянинг **«Суст ўтказувчи уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказишда қатламда эритманинг оқимини назарий тадқиқ қилиш»** деб номланган иккинчи бобида қўшни қатламларда эритманинг оқиши глинали ажратувчи сув ўтказмайдиган қатламлари зич жойлашиш ўрганилди. Фильтрланиш жараёни зич жойлашган глинали ажратувчи қатламларда босим градиенти J_0 аниқ ифодага тенг бўлганда амалга оширилиши мумкин. Агар босим градиенти нолдан паст бўлганда фильтрланиш коэффициенти нольга тенг бўлиши мумкин яъни фильтрланиш жараёни кузатилмайди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, суст ўтказувчи уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказишда эритманинг фильтрланиш хусусияти, физик-кимёвий ва тоғ жинсини табиий омилига ва технологик факторларига боғлиқ ва фильтрланиш коэффициентининг ўзгариши юқорида белгиланган параметрларга боғлиқдир. Амалда бу

кўрсаткичлар қийматдаги ўзгаришларни аниқлаш жуда қийин ва вақт талаб қиладиган вазифадир.

Шунингдек, фильтрланишга қаршилик кўрсатадиган омиллар кольматация жараёнини бўшлиқ ғовагида содир бўлади ва интеграл коэффициенти сифатида баҳо бериш керак, унинг қиймати гидравлик напорнинг пропорционал ифодада бўлади, қудуқнинг иш унумдорлиги юбориладиган эритманинг тескари пропорционал кўринишда содир бўлади.

Кўриб чиқиладиган ишда параметрларни аналитик таҳлил қилиш гидродинамик режим асосан доимий фильтрланиш учун белгиланган (Дарси, Дюпюи қонуни).

Қатлам бўйича эритманинг фильтрланиш жараёнини ўрганиш бевосита фильтрланиш параметрининг камайишига, вақтига, тоғ жинсини ҳажмига, эритманинг ишқорлаш ҳаракатига, шунингдек физик-кимёвий тавсифланишига: зичлиги, минерал таркибига, қовушқоқлигига, гидродинамик режимига таъсир қилади ва урани ер остида танлаб эритиш технологиясини такомиллаштириш учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Зарур маълумотларнинг етишмаслиги, илмий жиҳатдан асосланмаганлиги ва тафсилотлар етарли даражада бўлмаганлиги уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишнинг кольматация жараёнига таъсирини батафсил аниқлаш имконини бермайди. Шу сабабли, ушбу ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёни таҳлилий маълумотларга асосланиб ўтказилади.

Диссертациянинг **«Паст босимли сувли қатламларда уран маъданларини қазиб олишнинг назарий тадқиқоти»** деб номланган учинчи бобда биз томондан қуруқ қатламларда эритманинг ҳаракати ўрганилди, махсулдор қуруқ қатламда суюқликнинг ҳаракат назариясининг масаласи уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишда гидродинамик ҳисоб ишларида қўллаш мумкин. Шунинг учун маъдан конларини лойиҳалашда эритиш параметрларини танлаш ва маъдан конларини қазиб олиш кўпинча эмперик боғлиқликларга асосланган етарлича илмий-техник далилларсиз амалга ошрилади.

Тадқиқотлар натижаларида суғориладиган тоғ жинсларининг фильтрланиш оқимининг радиусига таъсири ва унинг тўйиниш характери ҳамда шулар асосида эгри чизиқлар қурилган. Тажриба синов тадқиқотлар шуни кўрсатадики фильтрланиш оқимининг ҳосил бўлиш қонунияти ва қуруқ тоғ жинсларида эритманинг ҳаракати ишлаб чиқилган услубиёт асосида юритилади. Ер остида танлаб эритмага ўтказиш фильтрланиш жараёнини ностаницонар режим услубиёти ишлаб чиқилди ва асосланди, тадқиқотлар шуни белгилайдики қуруқ қатламларда фильтрланиш оқимининг радиусига ва унинг бойитилиши билан тавфсифланади, шунинг асосида суюқликнинг чиқими ҳар хил масофадаги манбалар билан тавсифланади.

Ер остида танлаб эритмага ўтказишда ишлаб чиқилган услубиёт асосида ностационар фильтрланиш режими, фильтрланиш коэффициенти ламинар ва турбулент оқимларида суюқликнинг физик хусусиятлари ҳисобга олинади,

эритманинг фильтрланиш бўшлиғи массиви билан боғланади. Тадқиқотлар шуни белгилайдики эритманинг тарқалиши юборувчи ва сўриб олувчи қудуқлар билан амалга оширилади, ромб кўринишида белгиланади, тарқалиш бурчаги кольматация жараёни билан белгиланади.

Тадқиқотлар натижасида шу аниқландики, юборувчи ва сўриб олувчи қудуқларни ўзаро таъсири тизимида эритма оқимининг шаклини ромб деб қараш зарур, оқим бурчаги эса бўшлиқ ҳажмнинг кольматацияга учраш даражасиги боғлиқ ҳолда шаклланади.

Диссертациянинг **«Суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш эритмаларнинг фильтрланишини математик моделлаштириш»** деб номланган тўртинчи бобида гидродинамик жараёнларни, эриш кинетикасини, эрувчан фойдали компонентларни конвектив ва диффузион тарқалишини аниқловчи боғлиқликларни ўз ичига оладиган ер остида танлаб эритмага ўтказиш модели ишлаб чиқилган.

Ер остида танлаб эритмага ўтказиш ҳақидаги билимларнинг замонавий даражаси турли гидродинамик схемалар ва генетик турдаги конлар учун фойдали вақтга боғлиқ ҳолда уранни ер қаъридан ажратиб олишнинг математик боғликларни олиш имкониятини бермайди. Мавжуд назария уранни фильтрацион ишқорлаш жараёни динамикасини қисман ёритиб беради.

Математик моделлаштириш асосида қазиб олиш даражасини ва суст ўтказувчан маъданли горизонтда фильтрация жараёнини ўзгаришини олдиндан аниқлаш учун уранни ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнини бошқаришнинг компьютерли модели ва кенгайтирилган блок-схема ишлаб чиқилди. Тажриба блокларида уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишда кам намланган маъдан танасида оқимнинг кўчишини шакллантириш учун эритма оқимининг гидродинамик режимини математик моделлаштириш асослаб берилган.

1-расмда математик моделнинг умумий технологик схемаси келтирилган. Бунда суст ўтказувчан маъданлардан фойдали қазилмаларни ер остида танлаб эритмага ўтказиш усулида қазиб олишни бошқариш учун қурилган алгоритмлар ва моделларни амалий қўлланилиши келтирилган.

Бундан ҳолларда суст ўтказувчан маъданлардан уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишнинг геотехнологик кўрсатгичларини олдиндан аниқлаш мақсадида сонли маълумотларни икки ва уч ўқли график кўринишида визуаллаштиришга асосий эътибор қаратилган. Олинган натижалар уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишнинг физик–кимёвий параметрларини бошқаришда қарорлар қабул қилиш учун ишлаб чиқилган дастурлар таъминоти ва алгоритмлар ишончлилигини тасдиқлайди. Моделда Навоий кон-металлургия комбинатининг уран конлари ҳақида умумий технологик маълумотлар кўрсатилган. Компьютер модели ер остида танлаб эритмага ўтказишнинг қазиб олиш комплекси тузилиши ва технологик объектлар бўйича келтирилган маълумотларни, қайта ишлаш ва киритишни,

геотехнологик маълумотларни моделлаштириш натижасида ҳисоблашни имкониятини беради.



1-расм. Уранни ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнини бошқариш компьютер модели, фильтрланишни ўзгариши ва кенгайтирилган блок-схемаси

Диссертациянинг «**Суст ўтказувчи ва сувга кам тўйинган уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказишнинг стендли ва**

лаборатория тадқиқотлари» деб номланган бешинчи бобида уранни ер остида танлаб эритишда тажриба синовлари стендли тадқиқотлар Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасининг (НКМК ДК), марказий илмий тадқиқот лабораториясида (МИТҚЛ) олиб борилди, бунинг учун 16 дона тузилиши бузилмаган керна намунаси олинди ва текшириш таҳлилий ишлари олиб борилди.

Суст ўтказувчи уран маъдани намунасида юқори фаоллаштирувчи модданинг фильтрланиш коэффицентига таъсири ўрганилди ва тадқиқот олиб борилди. Бунинг учун суст ўтказувчи Кетменчи уран кони танлаб олинди ва геологик қидирув қудуғи бурғуланиб ер тубини литологик хусусияти ўрганилди. Геологик қидирув қудуғининг чуқурлиги 100 м ташкил этди ва ундан 16 дона намуна олинди.

Лаборатория шароитида тажриба синовларини ўтказиш учун қўйидаги типдаги юқори фаоллаштирувчи моддалардан фойдаланилди:

СДж-1, СДж-2 (поликарбоксилатлар асосли), СДж-3 (фосфорорганиклар бирикмалари асосида), полиакриламид (АЖ «Навоиазот» маҳсулоти), ОП-10 ва сульфанол. Юқори фаоллаштирувчи модданинг оптимал сарфини аниқлаш ва унинг ишчи эритма қайишқоқлигини камайтиришдаги таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Кейинги тадқиқотлар юқори фаоллаштирувчи моддалардан (ЮҚФМ) оптимал концентрациясини олинган натижалар асосида давом этирилди.

Металлнинг ишқорлашда юқори фаоллаштирувчи моддалардани (ЮҚФМ) таъсири ўрганиш учун лаборатория колонкаси намуна билан тўлдирилди. Тадқиқотдан олдин ўртача ўлчамдаги намуна намлиги ва унинг таркибидаги фойдали компонентни миқдорини аниқлаш мақсадида олинди. Гидравлик градиенти i=1 бўлган ҳолатида фильтрланиш коэффиценти КФ-00М қурилмаси орқали аниқланди. Бунда винт ёрдамида ва резина прокладкалар билан юқори даражада гермитизация қилинди. Ажратиб олинадиган фойдали компонент миқдорини аниқлаш учун суюқликдан намуналар олиб турилди. Олинган суюқлик намунаси С:Қ=1:1-2-3 ва .х.к. бўлганига қадар тажриба ишлари давом этирилди. Фойдали компонент эритманинг таркибида 8,3 мг/л бўлганига қадар тажриба давом этирилди.

Танлаб эритиш натижалари 2-расмда келтирилган. Уранни ажратиб олиш даражаси ва уни ишқорланиш вақти билан боғлиқдир.

Эритмани фильтрланиш коэффициентини аниқлаш учун олинган натижалар асосида график боғлиқликлар қурилди (3-расм) ҳамда юқори фаоллаштирувчининг оптимал концентрати сульфанол деб қарор қабул қилинди.

Ишчи эритманинг таркибида сульфанол юқори фаоллаштирувчи моддани оптимал концентрацияси билан кейинги тадқиқотлар давом этирилди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, уранни ер остида танлаб эритмага ўтказиш технологиясида сульфанолни юқори фаоллаштирувчи модда қўллаш ишқорловчи эритманинг глинали суст

ўтказувчан маъданларга сингиб бориш тезлигини сезиларли даражада оширади ва фильтрланиш коэффициентини 2 м/суткага ошади.



2-расм. Уранни ер остида танлаб эритмага ўтказиш давомийлигининг эритма таркибидан уранни ажратиб олиш коэффициентига боғликлиги



3-расм. Фильтрланиш коэффицентининг ва ўтказилган тадқиқотнинг тажриба синов вақтига боғлиқлиги

Намлик бурчагини аниқлаш учун θ гонометрик усулидан фойдаланилди. Намлик бурчаги тоғ жинсида томчи проекция усулида аниқланди.

Суюқликнинг томчи бурчаги горизонтал ҳолатида ўрганилди проекция усулида аниқланди ва расмда ёки чизмада намлик бурчаги уч фаза ва намуна юзаси ўртасидаги томчилар билан белгиланади.

Лаборатория тадқиқотларига асосан, эритма қайишқоқлигини камайтириш мақсадида сульфанол реагенти қўшилди, бунда томчи проекцияси усулида намланиш бурчагини ўрнатиш ва уни аниқлаш суст ўтказувчан маъданлардан уранни ер остида танлаб эритмага ўтказишда қатлам ўтказувчанлигига оптимал таъсирини аниқлаш имконини берди.

4-расмда тоғ жинсининг намланиш бурчаги таҳлили келтирилган ва бу томчи радиусининг ($r_к$) ошиши билан тоғ жинсининг намланиш бурчаги (cosθ) қийматлари камаяди.



4-расм. Намланиш бурчаги ифодасининг намланиш бурчак радиусига бўлган боғлиқлиги

Реагентнинг кимёвий таркиби ва унинг концентрацияси кимёвий жараённинг тезлигини белгилайдиган ҳамда ер остида танлаб эритмага ўтказишнинг асосий омилини ташкил этади. Реагент миқдорини ошиши билан эритмадаги фойдали компонентларнинг миқдори ошади, уларнинг умумий ҳажми ва ишқорлаш вақти камаяди. Сульфанолни реагент сифатида қўллаш геотехнологик кўрсаткичларга ва ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўтказувчанлиги, фильтрацион хусусияти ва «дипрессион воронкаси» геометрияси каби ер остида танлаб эритмага ўтказишнинг гидрогеологик параметрларини ўрганиш мақсадида маъданли горизонтда эритманинг эркин ҳаракати ва босимини физик моделлаштириш бўйича ишлар олиб борилди.

Моделлаштириш тажриба стендида олиб борилди. Стенд металл каркасли органик шишадан тайёрланган бўлиб узунлиги 2 метрни, баландлиги 1 метрни ва кенглиги 40 см ни ташкил қилади. Стенда тоғ жинслари 4 қатламда ётқирилган ва бу Киндик-тюбе конининг литологик моделини ташкил қилади. Моделли қирқимда юқориги қисми майда донадор

қумдан ва пастки қисми 30 см қалинликдаги яхши ўтказувчан қумли қатлам кўрсатилган.

Стенднинг юқори қисми ва том орасида резина ўрнатилган. Эритма оқимини ўхшатиш учун босим ҳосил қилиш мақсадида босимли шланг бўйлаб стенд томи ва прокладка орасига техник сув юборилди. Қўйилган вазифага қараб босим ўлчами 0,02 дан 0,1 МПа гача ўзгариши мумкин.

Эритмани сўриб олиш натижасида сўриб олувчи қудуқнинг фильтр ҳудуди томон йўналган «депрессия воронкаси» ҳосил бўлиши кузатилди. Стенд деворларининг бирида фильтрацион оқим чизиғини аниқлаш учун ранг юбориш мақсадида диаметри 1 см бўлган пластмассали трубка ўтказилди. Олинган натижалардан шу аниқландики, депрессия воронкаси диаметри сўриб олинадиган маҳсулдор эритма унумдорлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Натижалари 5-расмда келтирилган. Шу сабабли фильтрланиш жараёнида депрессия ҳудудига томон йўналган оқим чизиғини ташкил қиладиган эритма оқими тизимини ҳосил бўлишини кўришимиз мумкин.



5-расм. Сўриб олувчи қудуқ унумдорлигининг депрессион воронка радиусига боғлиқлиги

Диссертациянинг **«Суст ўтказувчи уран маъданларини ер остида танлаб эритмага ўтказишда технологияни ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий параметрларини асослаш хамда саноатда жорий қилиш»** деб номланган олтинчи бобида НКМК 5-КБнинг Лявлякон ва Кетмончи конларининг қумли маъданли конларида уранни ер остида танлаб эритмага ўтказиш учун реагент сифатида сульфанолни қўллашнинг саноат миқёсидаги тажрибаси келтириб ўтилган. Бунда фильтрланиш коэффициенти 0,5 $м^3/с$ дан кам бўлган қумли маъданларда паст дебитли сўриб олувчи қудуқларнинг унумдорлигини кўтариш бўйича тажриба олиб борилди.

6-расмни таққослаганда эксперимент жараёнида сульфат кислотали эритмага сульфанол қўшилмай юборилган ҳолатда сўриб олувчи қудуқларнинг дебити пасайганини яққол кўриш мумкин ҳамда кольматация жараёни кузатилди. Тажриба майдонида сульфанолни қатлам сувига эритиш учун махсус идиш ўрнатилган. Биринчи 1:1 нисбатда сульфанол аралашмаси тайёрланди, кейин эса 1,5 г/л миқдорида ишчи эритмага қўшилди ва юборучи қудуқлар орқали маъданли қатламга юборилди. Маъдан қатламини оксидлаш сульфат кислотали режимда амалга оширилди. Тажрибанинг бошланғич ойларида қатлам суви сульфат кислотага тўйинтирилди pH=3 (~1,0 г/л H_2SO_4.) Қазиб олиш майдончасининг оксидловчи сифатида сульфанол (1,5 г/л) қўлланилди (2 ой давомида), кейин ҳаво кислородига тўйинтирилган қатлам суви жўнатилди (1 ой давомида).



6-расм. Кетмончи (а) ва Лявлякон (б) конида юқори фаоллаштирувчи модда қўшилмаган холда сўриб олувчи қудуқлар дебитининг ўзгариши боғлиқликлари

Қатлам суви 10 г/л гача сульфат кислотасига H_2SO_4 (pH≈3) туйинтирилди, қудуқлар орқали сульфанол аралаштирилган ишчи эритма юборилгандан сўнг 2 ойдан ўтиб сўриб олувчи қудуқлар дебити ошгани кузатилди (7 ва 8-расмлар).

Бу эса ўз навбатида юборувчи қудуқлар сиғимининг кескин ошишига олиб келди ва қудуқлар сув сатҳини ҳар куни ўлчаб бориш зарурати туғилди. Қудуқлар сатҳини ўлчаш давомида металл миқдорини аниқлаш учун намуналар олиб турилди.

Тажриба давомида ишқорловчи эритмани ер ости сувлари билан қўшилиб кетмаслигини олдини олиш учун юборилувчи ва сўриб олинувчи эритма миқдори ҳисобга олинди, яъни юборувчи ва сўриб олувчи қудуқлар орасидаги мувозанат назорат қилинди.



7-расм Лявлякон уран конида юқори фаоллаштирувчи модда (1,5 г/л) + H_2SO_4 аралаштирилганда дебит ўзгаришининг боғлиқлиги



8-расм Кетмончи уран конида юқори фаоллаштирувчи модда (1,5 г/л) + H_2SO_4 аралаштирилганда дебит ўзгаришининг боғлиқлиги

Тажриба давомида юқори фаол модданинг фильтрланиш тезлигига таъсири ва сўриб олувчи қудуқлар дебитининг ошиши тадқиқ қилинди. Сульфанолнинг қўлланилиши қатламнинг фильтрацион хусусиятини

оширди. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, 22-25% юқори фаол модданинг қўлланилиши ғоваклик бўшлиқларида эритма ҳажмини камайтиради. Учаскаларда уранни танлаб эритмага ўтказиш асосан диффузион режимда олиб борилади.

Шундай қилиб, юқори фаол моддани (сульфанол) ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнига киритиш уран маъданларини ишқорлаш жараёнини жадаллаштиради ва маҳсулдор қатламни оксидлаш вақтини камайтирди. Шунга кўра сульфанол қўшилган сульфат кислотали эритма билан маъдани горизонтни оксидлаш фақат сульфат кислотали эритма билан оксидлашга қараганда самарадорлиги анча юқори, тажриба йўли билан ўрнатилан сульфанолнинг миқдори тоғ жинсининг ўтказувчанлигини ошишига ва юборувчи қудуқлар дебитини кўтарилишига олиб келди.

Тажриба қудуғидан сўриб олиш бошланганда (ҳаво кислороди $+H_2SO_4$, фаол режим) насоснинг унумдорлиги ўртача ~1,5 $м^3/с$ бўлганда металлнинг бошланғич миқдори 10 мг/л ташкил қилди. 3 сутка ўтгандан кейин металл миқдори 44-55 мг/л га етди. Тажриба ўтказиш бўйича ишлар сўриб олувчи қудуқларда маҳсулдор аралашма пайдо бўлгунга қадар давом эттирилди, бунда металл миқдори сезиларли даража ошди ва 130 мг/л ни ташкил қилди.

Таҳлил қудуқлардан маҳсулдор эритмани сўриб олиш вақтида pH - 1,67 ни кўрсатди ва маъдандан уранни танлаб эритмага ўтказишнинг жадаллашиши кузатилди. Бундан ташқари маҳсулдор эритмада металл миқдори ва эритмадаги сульфанол миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқ кузатилди. Эритмадаги сульфанол миқдори 1,5 г/л бўлганда 30-35 мг/л, сульфанол миқдори эса 2,5 г/л бўлганда 50-60 мг/л гача ошди. Эксплуатацион блоклардаги очиқ захирани қазиб олиш жадаллиги технологик қудуқлар унумдорлигига боғлиқ. Шунга боғлиқ ҳолда тажрибани ўтказиш давомида геотехнологик параметрларни ўзгаришини аниқлаш қудуқлар дебитини ўлчаш билан амалга оширилди. Тажрибани ўтказиш натижасида танланган кимёвий реагент уранни танлаб эритмага ўтказиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

9–расмда ИК– спектрида ҳар хил сув ва кислоталарнинг –ОН гуруҳига кирувчи 3568-3350 $см^{-1}$ чегарасида ютилиш чизиқлари кузатилди. Шунинг учун спектрда ютилишнинг қия чизиқлари пайдо бўлди. NO_3^- гуруҳи учун тебраниш частотаси 1354 ва 1710 $см^{-1}$ чегарасида ҳамда $HO\text{-}NO_2$ 1508 $см^{-1}$ чегарасида кузатилди. H_2SO_4 сульфат кислотаси ва SO_4^{2-} ионлари 3568 $см^{-1}$ чегарасида –ОН гуруҳи кислоталари ва ν гуруҳлари (S-0) 987 $см^{-1}$ (S-0) 987 $см^{-1}$ и ν, (S-0), ҳамда 1458 $см^{-1}$ чегарасида мутаносиб ютиниш чизиқлари.

Фосфор учун ютиниш чизиғи P=0, 1477$см^{-1}$ гуруҳлари учун р-Н гуруҳларига кирувчи заиф чўққи 2345 $см^{-1}$ чегарасида пайдо бўлди. Бу эса тадқиқ қилинаётган модда таркибида PO_4^- гуруҳлари мавжудлигидан дарак беради. 580 $см^{-1}$ чегарасида ютиниш чизиғини Re-CI гуруҳидаги рений бирикмасининг CI^-, 596 $см^{-1}$ ионларига киритиш мумкин. Fe^{2+}, Fe^{3+} ионлари 420-496 $см^{-1}$ чегарасидаги ютиниш чизиғи ионлари 420-496 $см^{-1}$ ҳудудида пайдо бўлади.



Тўлқинлар сони, $см^{-1}$

9-расм. Лявлякон конида маҳсулдор аралашманинг ИК-спектри

ИК-спектрда юқорида келтирилган ютиниш чизиқларидан ташқари кимёвий ва масс-спектрометрик таҳлилни талаб қилувчи CH=CH, RCHO гуруҳлари, углеводородлар ҳидлари кабилар органик моддалар аралашмасида миқдорни характерловчи 1685 $см^{-1}$ дан 1523 $см^{-1}$ юқори ҳудудда ютиниш чизиқлари кузатилди.

